

10-26-2020

SIGNIFICANT FEATURES OF THE STRUCTURE OF EMOTIONAL SENTENCES

Gulrukh Shavkatovna Qakhkhorova
senior researcher, BSU

Iroda Sidikovna Qakhkharova
senior lecturer, candidate of philological sciences (PhD), TIAC

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Qakhkhorova, Gulrukh Shavkatovna and Qakhkharova, Iroda Sidikovna (2020) "SIGNIFICANT FEATURES OF THE STRUCTURE OF EMOTIONAL SENTENCES," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4 , Article 7.

DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/4/7

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss4/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

TILSHUNOSLIK

Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда – тол мақоли мисолида ҳам киши бирор мақсадни кўзлар экан, шунга яраша ҳаракат, меҳнат қилиши лозимлигига ишора қилинади. Ёинки, кўзланган мақсад орзулигича қолиб кетаверади. Мақолнинг биринчи қисмида белги-хусусият, иккинчи қисмида сабаб-натижа мазмуни акс этган.

Ўзбек халқ мақоллари таҳлили уларнинг ўзбек маданияти, халқ дунёқараши, урф-одат, анъаналарини; шахс феъл-атворини тавсифлашдаги ўрнини ёритишга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда мақолларнинг тарихий шакллари, семантик хусусиятлари – лингвистик ҳодисаларни ёритишда, нутқий ҳодисаларни изоҳлашда аҳамиятлидир.

Хулоса. Мақолларда семантик зидлик мазмунни таъсирчан ифодалашга, мақолда ифодаланган белгини ортиқ даражада тасвирлашга хизмат қилган. Зидлик туркий халқлар мулоқотида ифодаланган тасвир усули бўлиб, унда нарса-ҳодиса, белги, ҳаракат кўринишларининг зид қўйилиши асосида юқори даражадаги образлиликка, таъсирчанликка эришилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Karimov I.A.** Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. - T.: Ma'naviyat, 2008. - 173 b.
2. **Jason H.** Proverbs in Society: The Problem of Meaning and Function // Proverbium. Bulletind'informationsurlesrecherchesparemiologiques. – Helsinki: 17, 1971. – P.18-32.
3. **Jo'raeva B.** O'zbek xalq maqollarining qisqacha sinonimik lug'ati. - Toshkent: Fan, 2007. - 99 b.
4. **Jo'raeva B.** O'zbek xalq maqollari shakllanishining lingvistik asoslari. - T.: Akademnashr, 2019. - 221 b.
5. **Kaplan D., Manners R.** Culture Theory. – Englewood Cliffs: Prentice Hall, 1972. – 212 p.
6. **Maslova V.** Novie russkie poslovitsi: kognitivniy i lingvokulturologicheskiy aspekti //Vestnik Novgorodskogo gosudarstvennogo universiteta im. Yaroslava mudrogo. Novgorod, 2014. - № 77. - S. 35-39.
7. **Xolmanova Z., Tosheva D.** Zoonim komponentli paremalarning izohli lug'ati. - Toshkent: Turon zamin ziyo, 2016. - 359 b.
8. O'zbek xalq maqollari. – Toshkent: Sharq, 2013. – 509 b.
9. <http://amuziyo.uz>
10. <http://library.ziyonet.uz>
11. <http://atelim.com>

УДК 81' 367.33

ҲИС-ҲАЯЖОН ГАПЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ НТ

ОСОБЕННОСТИ СТРУКТУРЫ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО ПРЕДЛОЖЕНИЯ

SIGNIFICANT FEATURES OF THE STRUCTURE OF EMOTIONAL SENTENCES

Қаххорова Гулрух Шавкатовна

БухДУ катта илмий ходим-изланувчи

Қаххарова Ирода Сидиқовна

Тошкент архитектура қурилиш институти катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди (PhD)

Qakhkhorova Gulrukh Shavkatovna

senior researcher, BSU

Qakhkharova Iroda Sidikovna

senior lecturer, candidate of philological sciences (PhD), TIAC

Таянч сўзлар: универсал, дифференциал, ундов гап, нолингвистик воситалар, эмфатик урғу, субъект, предикат, концепт, потенциал, эмотив валентлик, аффектив гаплар.

Ключевые слова: универсальный, дифференциальный, вербальный, нелингвистический, акцент, субъект, предикат, концепция, потенциал, эмоциональная валентность, аффективный дискурс.

Key words: universal, differential, exclamatory sentence, nonlinguistic means, emphatic emphasis, subject, predicate, concept, potential, emotional valence, affective discourse.

Ҳис-ҳаяжон гапларда лисоний, мантикий, руҳий фаолиятлар бир-бирига боғланиб, нутқий тафаккур жараёнини ўзига хос шаклда намоён этадики, бундан тил нафақат онгни ҳаракатлантирувчи, балки руҳиятга ҳам таъсир кўрсатувчи воситалардан бири эканлиги яна бир бор аёнлашади. Шу маънода, тилшуносликда ҳис-ҳаяжон гаплар алоҳида лисоний, нутқий тузилмалардан бири сифатида тан олинади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар, аввало, лисоний фаолият ва унинг маҳсулидир. Шунингдек, ҳис-ҳаяжон гаплар психологик (инсоннинг турли руҳий эмоцияларини ифодалаб келади), социологик (ижтимоий алоқа-муносабат шакли, инсонлараро мулоқот воситаси бўла олади) руҳда бўлиши туфайли уларда руҳий ва ижтимоий омиллар ўз аксини кўрсатади. Ҳис-ҳаяжон гапларнинг нутқдаги асосий вазифаси коммуникатив, алоқа-аралашув, ахборот, фикр узатиш бўлиб, уларда турли эмоцияларни, аффектларни ифодалаш ёрдамчи ҳолат бўлиб кўринади. Структурасига кўра улар кўпинча бир таркибли бўлади. Уларда эмоционалликни кучайтириш учун эмфатик урғу олган сўзни бир неча бор такрорлаш ҳолати кузатилади. Қурилишида баъзан инверсияга асосланади. Ёзувда охирига ундов белгиси қўйилади ва унинг ишлатилишида гап оҳангининг кучли ёки кучсизлиги эътиборга олинади.

Эмоциональная речь, лингвистическая, логическая и духовная деятельность взаимосвязаны, отражая процесс речи особым образом, что еще раз доказывает, что язык является не только средством движения разума, но и воздействия на дух. В этом смысле языковая эмоция признается одной из отличительных языковых структур речи.

Эмоциональный разговор – это прежде всего лингвистическая деятельность и её продукт. На эмоциональные и психосоциальные факторы также влияет эмоциональное выражение психологии (которая представляет разные психологические эмоции человека), социологическое (которое может быть формой социального общения, средством межличностного общения). Основной целью эмоционального разговора является общение, вмешательство, информация, оно помогает выражать разные эмоции и чувства. По своей структуре он часто является однокомпонентным. У них есть ряд повторений этого слова, которое подчеркивает симпатию для повышения эмоциональности. Его конструкция иногда основана на инверсии. Конец примечания отмечен восклицательным знаком, и его использование учитывает силу или слабость тона.

Emotional speech, linguistic, logical, and spiritual activities are interconnected, reflecting the process of speaking in a specific way, which again proves that language is not only a means of moving the mind but also affecting the spirit. In this sense, linguistic emotion is recognized as one of the distinctive linguistic structures of speech.

Emotional sentence is primarily a linguistic activity and its product. The emotional and psychosocial factors are also influenced by the emotional expression of psychology (which represents different mental emotions of a person), sociological (which can be a form of social communication, a means of interpersonal communication). The main purpose of an emotional sentence is communication, interference-information, and it helps to express different emotions. By its structure it is often one-component. They have a number of repetitions of the word that emphasizes empathy to enhance emotionality. Its construction is sometimes based on inversion. The end of the note is marked with an exclamation mark, and its use takes into account the strength or weakness of the tone.

Кириш. Дунё тилшунослигида турли руҳий ҳолатлар, ҳис-кечинма ва сезгиларни тилда акс эттириш билан боғлиқ восита ва усулларни когнитив-прагматик йўналишда аниқлашга катта эътибор қилинмоқда. Шу асосда, инглиз ва ўзбек тилларида ҳам ҳис-ҳаяжон гапларнинг эмоционаллик ёки эмотивлик, экспрессивлик, интензивлик, функционал-семантик, стилистик, денотатив ва коннотатив воситалари, усул ва турлари,

TILSHUNOSLIK

категориялари, уларнинг ўзаро синкретлашув ҳолатлари, когнитив-прагматик хусусиятларини ўрганиб, ўзига хос грамматик, семантик-стилистик белгиларини ёритиш, ахлоқий, интеллектуал, эстетик табиатига кўра универсал ва дифференциал қирралари, ижодкорлар асарларида акс этиш тамойилларини кўрсатиш долзарб муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда бугунги кунда кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётган барча соҳалар қатори жамият маънавиятининг пойдевори саналган тил ва адабиётни равнақ топтириш, унинг илмий асосларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўзбек тилшунослигининг жаҳон тилшунослиги билан алоқадорликда ривожланишини таъминлаш, миллий маънавиятни юксалтириш, ёш авлодни дунё маданияти дурдоналари билан таништириш имконини беради. Айнан тил ва адабиёт инсониятнинг тарихий тараққий этиш, камолотга етиш жараёнида ҳаракатга келтирувчи қудратли бир куч, авлодларни бир-бирига боғлайдиган кўприк десак, янглишмаган бўламиз.

Асосий қисм. Ҳис-ҳаяжон гаплар структурасига хос белгиларни фарқлашда, уларнинг ҳис-туйғуни қай йўсинда ва қандай мақсадда ифода этиши ҳамда ўзлаштирилиши ҳам муҳимдир. Қолаверса, мақсад ва эмоционаллик, грамматик ҳолатига кўра ҳис-ҳаяжон гаплар ҳар хиллик касб этади. Бу жиҳатдан уларнинг куйидаги уч тури фарқланади: а) “хабар + эмоция” – дарак ундов гап (масалан: *Oh, I'm so sleepy* (S.M. Theatre, 232)[16] – **Оҳ**, бирам уйқум келяптики! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 155)[8]; б) “сўроқ + эмоция” – сўроқ ундов гап (масалан: *What a damned fool I was! Why didn't I keep my temper?* (S.M. Theatre, 124) – **Қанақа аҳмоқман-а! Нима учун ўзимни тутолмай қолдим?!** (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 112)); в) “буйруқ + эмоция” – буйруқ ундов гап (масалан: *Damn you, don't hold that girl as if she was a sack of potatoes* (S.M. Theatre, 20) – **Жин урсин сизни, қизни гўё бир қоп картошкани тутгандек ушламанг!** (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 16)) каби. Лекин уларда асосий ҳолат барибир фикр баёнига қаратилади, эмоцияга эмас. Шундан “сўроқ + эмоция” типидagi сўроқ ундов гапларнинг бир кўриниши риторик сўроқ гап деб кўрсатилади. А. Абдуллаев у ҳақда: “Хукмга ва жавобга бўлган муносабати билан соф сўроқ гапдан, экспрессив-эмоционал оттенкаси билан эса дарак ёки буйруқ гапдан фарқ қилади”, – дейди[1]. А. Зияев эса янада очиқроқ тарзда “унинг тингловчидан тўлиқ жавоб талаб қилмаган ҳолда дарак мазмунидаги хабарнинг таъсирчанлигини оширишга, эмоционал томонини кучайтиришга ёрдам беришини” қайд қилади[4].

Табрик (*This is very sudden* (S.M. Theatre, 26) – **Вой**, бу мен учун қутилмаган совғаку! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 18), хитоб (**God, how I like beer** (S.M. Theatre, 96) – **Худойим**, пивони бирам яхши кўраманки! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 61)), орзу-истак (**Ah, I wish I were fifteen again** (S.M. The Moon and Sixpence, 273)[15] – **Эҳ**, ҳозир менинг ёшим ўн бешда бўлгандайди! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 208)[11], чақирик (*But it's not only because he's a genius that I ask you to let me bring him here; it's because he's a human being, and he is ill and poor* (S.M. The Moon and Sixpence, 130) – **Гапимни тушун**, у фақат даҳо рассом бўлгани учунгина эмас, касал ва қашшоқ одам бўлгани учун ҳам уйимизга қабул қилишингни илтижо қиляпман! (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 99)) каби маънолардаги гаплар ҳам ундов, яъни ҳис-ҳаяжон гаплар сирасига киритилади. Улар баланд оҳангда айтилиши билан ўзига хослик касб этади[3].

Бундай гапларда ҳис-ҳаяжон қўшимча ҳодиса сифатида намоён бўлади, чунки тилнинг бошқа ҳодисалари қаторида эмоционал гапларнинг нутқдаги асосий вазифаси ҳам коммуникатив, алоқа-аралашув, ахборот, фикр узатиш воситаси эканлиги боис уларда эмоцияларни, аффектларни ифодалаш ёрдамчи ҳолат бўлиб кўринади. Лекин эмоцияни тилдан бошқа нолингвистик воситалар (юз кўринишини ўзгартириш, қичқириш, бақириниш, кулиш, йиғлаш, ҳар хил имо-ишоралар қилиш) орқали ҳам ифодалаш мумкин[14]. Шундай бўлса-да, кўпинча ҳис-ҳаяжон гапларни ҳосил қилишда эмотивлар (ҳис-ҳаяжон ундовлари **Oh my dear, life is so short and love is so transitory** (S.M. Theatre, 267) – **Оҳ**, азизам, умр бирам қисқа, муҳаббат шунчалар ўткинчи (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 178), таъкид юкламалари *Mon Dieu, this is genius* (S.M. The Moon and Sixpence, 294) – **Худо ҳаққи, бу даҳо-ку!** (Р.И. Ой ва сариқ чақа, 224), сўроқ олмошлари *Oh my dear, – cried Julia gaily. How marvellous!* (S.M. Theatre, 193) – **Ё, худойим!** –

шодланиб хитоб қилди Жулия. – Қандай ажойиб! (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 127), оҳангни кучайтирувчи сўзлардан *It's dreadful. I can't bear the thought* (S.M. *The Moon and Sixpence*, 123) – **Даҳшам!** Буни ўйлашнинг ўзи қўрқинчли! (P.И. *Ой ва сариқ чақа*, 93) фойдаланилади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар структурасига хос хусусиятлардан яна бири шуки, улар кўпинча бир таркибли (масалан: *What nonsense!* (S.M. *Theatre*, 202) – **Қандай ажойиб сафсата!** (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 133) бўлади. Уларда эмоционалликни кучайтириш учун эмфатик урғу олган сўзни бир неча бор такрорлаш ҳолати кузатилади: *Oh, thoroughly. Bloody fool, bloody fool* (S.M. *Theatre*, 164) – **Ҳа-ҳа, туппа-тузук. Вой, тентак! Вой, тентак!** (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 108). Қурилишида баъзан инверсияга *Damn it all, there are your children to think of* (S.M. *The Moon and Sixpence*, 60) – **Жин урсин сизни, ахир болалар тўғрисида ўйлашга мажбурсиз-ку** (P.И. *Ой ва сариқ чақа*, 46) асосланади ва гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгартириб берилади. А. Абдуллаев айтганидек: “Инверсия фикрни эмоционал-экспрессив ифодалашнинг актив ва маҳсулдор усулларида биридир”[2]. Кўпинча бунда кесим гапнинг бошидан ўрин олиб, бошқа бўлақлар ундан кейинга ўтади. Шунингдек, ёзувда ҳис-ҳаяжон гаплар охирида ҳамиша ундов белгисининг қўлланиши унга хос асосий белгилардан бири ҳисобланади. Ҳатто ўзбек тилида жуда кучли эмоция билан айтилган ундов гаплар охирида учта ундов белгиси қўйилиши мумкин (*Тўй бошланди!!!*). Ўрганилаётган инглиз тилидаги асарларда эса бундай ҳолат кузатилмади. Ҳис-ҳаяжон гаплар барча халқларда бир хил шаклий ўхшашлик ҳосил қилишида уларнинг охирига қўйиладиган ундов аломати алоҳида эътиборга лойиқ. Шу маънода, у ҳис-ҳаяжон гапларнинг шаклий тузилмасини бир қарашдаёқ белгилаб кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир. Бироқ инглиз тилидаги ҳис-ҳаяжон гапларда ундов белгисини қўллаш доимий ҳолат сифатида кузатилмаслиги аён бўлди (масалан: *Oh, Julia, you are a brick. I never knew what a wonderful woman you were* (S.M. *Theatre*, 231) – **О, Жулия, сен – мард аёлсан-да! Шунақа олийжаноблигингни тасаввур ҳам қилмагандим!** (Г.М. Ўткинчи эҳтирос, 154)).

Ҳис-ҳаяжон гап аслида мантиқий субъект ва предикат бирикишидан ҳосил бўладиган оддий ҳукмдир. Унда ҳам предмет образларининг ўзаро муносабатдалиги, боғланиши намоён бўлади. Фақат унинг бошқа гап турларидан фарқи шундаки, ҳис-ҳаяжон гапларда нарса-предмет образларининг ўзаро боғланиши ҳис-ҳаяжон асосида баён этилади: “*Янги Ой чиқибди*” – дарак гап. “*Янги Ой чиқибди!*” – ҳис-ҳаяжон гап. У биринчи келтирилган оддий даракнинг ҳаяжонли ифодасидан ташкил топмоқда.

Тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси концепт ҳисобланади. “Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади”[7]. Концептлар ядровий асос маънога ҳамда периферик маънога эга бўлади. Масалан: “*Вой, куйди!*” деганда, инсон **вой** сўзидан кўра **куйди** сўзини кўпроқ ақлий тасаввурдан ўтказди. Шу сўз орқали мантиқий (ментал) хулосага келади ва асосий ахборот (маълумот)ни қабул қилади. **Вой** сўзи эса унинг онгида оғриқни туйиш, ачиниш ҳисларини уйғотади.

Ҳис-ҳаяжон гаплар ҳис-ҳаяжон даражасига кўра иккига бўлинади[13].

1. Фикрни ҳис-ҳаяжон билан ифода этувчи гаплар. Унда ҳис-ҳаяжон оҳанги муҳим аҳамият касб этади: *Нақадар аянчли манзара!* (М.О. *Макинтош*, 192)[9].
2. Сўзловчининг эмоционал туйғуларини ифодаловчи гаплар: *Оҳ... шунча таҳқирлардан сўнг озодлик нима эканлигини билсангиз эди! - Озодлик!* (М.О. *Ажал таъқиб*, 54)[10].

Сўзловчининг индивидуаллиги ёки вазият контексти билан мотивацияланадиган интенсивлик даражаси бўйича айни вақтдаги чексиз эмоция градациялари ифодалайдиган эмосема турлари ҳам чексиз. Шундай қилиб, қўйилмаган тил бирликлари пайдо бўлишининг мотивация фактори сўзловчи эмоцияси ҳисобланади. Тилнинг яратувчанлик кучи айнан “аниқ тажриба ва коммуникациянинг прагматик шароитлари билан янги маънонинг туғилишида намоён бўлади”[5]. Бундан сўз семантик имкониятларини индивидуал билиш ва уларни амалга оширишдаги лингвистик қодирлик келиб чиқади.

TILSHUNOSLIK

Тил бирликлари валентликларининг ҳар хил турлари орасида семантик валентлик варианты сифатида эмотив валентлик, яъни самарали мулоқотнинг ички тизимидаги дастлабки эмотив валентликни ажратиб кўрсатиш лозим. Инглиз тилининг кўплаб тил бирликларида бу валентлик потенциал ҳисобланади.

1. Эмотив валентлик фаоллигини “кутилмаган”, яъни стандарт код учун мақбул бўлмаган бирикмалар, шунингдек, валент ҳамкорларидан бири эмотив бўлган ёки уларнинг ҳаммаси эмотив бўлган вазиятларни билиш орқали амалга ошади. Эмосемалар мослашувининг “уч босқичи” белгиланган:

а) морфема.

б) оҳанг.

с) жумла.

Маълумки, гап ва матн даражасида эмоционал-экспрессив мослашувнинг ўз ўрнига эгаллиги уни эмотив прагматика қонуниятлари доирасида кўриш имконини беради.

2. Потенциал эмотив валентлик маъно ҳосил қилувчи омил, ўз навбатида, тил бирликлари бирикишининг кенгайиш ҳудуди омили сифатида намоён бўлиши мумкин.

3. Эмотив валентликни вариациялашнинг бир неча турлари ҳақида айтиб ўтиш мумкин: а) эмотивликнинг баҳо белгиси сифатида (мусбат ва манфий); б) ҳар бир белги чегарасидаги эмоциялар семантикаси характери бўйича: мусбат (ҳамдардлик, эркалаш, майинлик ва ҳ.к.); манфий (камситиш, нафратланиш, ғазаб ва б.); с) эмотив баҳонинг интензивлик даражаси бўйича (кучсиз, ўртача, юқори, ниҳоятда).

4. Эмотив валентлик – тил бирлиги семантикаси системасининг эҳтимолий муҳим компоненти ҳисобланади ва бошқа потенциал характеристикалар билан сўз ва сўз бирикмаси номинатив потенциалининг умумий майдонини ҳосил қилади. Бу ерда эмотив валентликни эмотив-баҳо-экспрессив номинациясидаги иштироки ҳақидаги хулоса мантиқли ҳисобланади.

5. Тил бирликлари семантик системасида эмотив маъно компонентлари, бу компонентларни ташкил этувчи эмотив валентликлар ва бу валентликларни амалга оширадиган эмотив функцияларнинг мавжудлиги тил семантикаси доирасида ўзига хос эмотив қатлам мавжудлигини таъкидлайди. Шу аснода, эмотив валентлик “кутилган норма – кутилмаган бирикиш” нутқ феноменининг лингвистик механизмини аниқлаш имконини беради[12].

Таклиф этилган тил бирликлари эмотив валентликларининг чексизлигига оид концепция изоҳи сифатида ҳар қандай табиий тил – бу ноаниқ объектлар ва улар йиғиндисидан ташкил топган ва нутқ фаолияти жараёнида ривожланадиган динамик система эканлигини қайд этиш мумкин. Бу ноаниқлик ушбу контекстда нафақат маълум бир семалар ва валентликлар, балки луғавий маънодан ташқарида юзага чиқарадиган метафорик ўзгаришлар ушбу луғавий маънони матндаги механизмини намоён этади[6].

Шундай қилиб, тилнинг метафорик ва динамик хусусияти инсон тафаккурига боғлиқ бўлган маънонинг потенциал чексизлигини таъминлайди ва эмотив валентликларни шакллантириш учун асос ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, таъкид (констатив), савол (квесетив), буйруқ (директив), маъқуллаш (вердиктив), қониқиш (сатисфектив), гина (репрович), ишонтириш (ассуратив), дўқ-пўписа (менасив), огоҳлантириш (вонасив), маслаҳат (адвисив) гапларнинг прагматик турлари қаторида **аффектив (ҳис-ҳаяжон)** гапларнинг ўз ўрни бор. Улар ҳис-ҳаяжон оҳангига эга бўлиши, таркибида ҳис-ҳаяжон ифодаловчи сўзларнинг учраши, гап бўлаклари тартибининг ўзгариши, эмфатик урғу олган сўзларни такрорлаш, кўпинча бир таркибли гап кўринишида шаклланиши жиҳатидан ўзига хослик касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Abdullaev A.** O'zbek tilida ekspressivlikning ifodalanishi. - T.: Fan, 1983. - B. 60.
2. **Abdullaev A.** O'zbek tilida ekspressivlikning ifodalanishi. - T.: Fan, 1983. - B. 71.
3. **Abdurahmonov G', Sulaymonov A., Xoliyorov X., Omonturdiev J.** Hozirgi o'zbek adabiy tili. Sintaksis. - T.: O'qituvchi, 1979. - B. 65.

4. **Ziyaev A.I.** Ingliz tilida so'z ma'nolarini kuchaytirishning lingvokognitiv aspekti: Filol. fan. nomz.... diss. - T., 2009. - B. 24-28.
5. **Kolshanskiy G.V.** Kontekstnaya semantika. - M., 1980. - S. 59.
6. **Piotrovskiy R.T.** Injenernaya lingvistika i problemi «iskusstvennogo intellekta» // Lingvisticheskie problemi «iskusstvennogo intellekta» (Sb. nauchno-analiticheskix obzorov). - M., 1980. - C. 157-189.
7. **Safarov Sh.** Kognitiv tilshunoslik. - Jizzax: Sangzor, 2006. - B. 17.
8. **Somerset Moem.** O'tkinchi ehtiros. Gulchehra Muhammadjon tarjimasi. - T.: DIZAYN-PRESS, 2013. - 224 b.
9. **Somerset Moem.** Omadi chopgan musavvir. Muhiddin Omon tarjimasi. -T.: Adabiyot uchqunlari, 2018. - 160 b.
10. **Somerset Moem.** Ajal ta'qibi. Muhiddin Omin tarjimasi. - T.: Yangi asr avlodi, 2018. -272 b.
11. **Uilyam Somerset Moem.** Oy va sariq chaqa. Tarjimon R. Inog'omov. -T.: «DAVR PRESS» 2012. -236 b.
12. **Shaxovskiy V.I.** Lingvisticheskaya teoriya emotsiy: Monografiya. - M., 2008. - C. 158.
13. **Qurbonova M., Sayfullaeva R., Boqieva G., Mengliev B.** O'zbek tilining struktural sintaksisi. O'quv qo'llanma. - T., 2004. - B. 115.
14. **G'ulomov A., Asqarova M.** Hozirgi o'zbek adabiy tili. Sintaksis. - T.: O'qituvchi, 1987. - B. 65.
15. **William Somerset Maugham.** The Moon and Sixpence. Sankt-Peterburg, SPb.: KARO, 2013. - 384 s.
16. **William Somerset Maugham.** Theatre. Sankt-Peterburg, KARO, 2015. - 384 s.

УДК:1751

КРИС БОЛДИКНИНГ “АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ
ОКСФОРД ЛУҒАТИ” (“THE CONCISE OXFORD DICTIONARY
OF LITERARY TERMS”)ГА ИЗОҲЛАР

НЕКОТОРЫЕ ЗАМЕТКИ К СЛОВАРЮ КРИСА БОЛДИКА “КРАТКИЙ ОКСФОРДСКИЙ
СЛОВАРЬ ЛИТЕРАТУРНЫХ ТЕРМИНОВ” (“THE CONCISE OXFORD
DICTIONARY OF LITERARY TERMS”)

ABOUT THE DICTIONARY OF CHRIS BALDICK “THE CONCISE
OXFORD DICTIONARY OF LITERARY TERMS”

Саидова Мухайё Умедиллоевна

БухДУ инглиз тилшунослиги кафедраси таянч докторанти

Saidova Muxayo Umedilloevna

basic doctoral student of the department of english linguistics, BSU

Таянч сўзлар: терминология, адабиётшунослик терминлари, номенклатура, ономазиология, луғат, тезауруслар, луғавий бирликлар, адабиёт назарияси ва тарихи, академик драма, Александрия шеър тизими, акмеизм.

Ключевые слова: терминология, литературные термины, номенклатура, ономазиология, словарь, тезаурус, словарные единицы, теория и история литературы, академическая драма, александрийская система стиха, акмеизм.

Key words: terminology, literary terms, nomenclature, onomaziology, dictionary, thesaurus, dictionary units, theory and history of literature, academic drama, Alexandrianism, acmeism.

Ушбу мақолада адабиётшунослик терминларининг герман тиллари мисолида ўрганилганлик даражаси ва аҳамияти тўғрисида тўхталиб, Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” луғати ва ундаги адабиётшунослик терминларининг этиборга молик томонлари ҳақида маълумотлар берилган. Луғатда келтирилган адабиёт назарияси, тарихи, жараён ва драматик асарларга доир терминлар борасида фикр юритилиб, айрим терминларнинг Крис Болдик